

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИ
ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ
ТАШВИҚОТИ ТЎҒРИСИДА

“Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 25-25⁴-моддаларига мувофиқ шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияларининг депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ягона тартиб асосида белгилаш ҳақидаги муурожаатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Toshkent” телеканали орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришда бепул эфирга чиқишларига оид ҳафталик жадвали 1-иловага асосан;

“Тошкент оқшоми” – “Вечерний Ташкент” газеталарида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари учун бепул босма майдони ажратиш, чиқишларини чоп этиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳар бир сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун 44 тадан ташқи реклама воситасларига (махсус конструкциялар, биллбордлар) шунингдек, Тошкент шаҳридаги мавжуд электрон мониторларга сайловолди ташвиқоти материалларини бепул жойлаштириш чораларини кўрсин.

3. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

а) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;

- б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- в) Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси;
- г) Ўзбекистон “Миллий тикланиш” Демократик партияси;
- д) Ўзбекистон Халқ-демократик партияси.

4. Оммавий ахборот воситалари эфир вақти ва нашр майдони доирасида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, депутатликка номзодларнинг чиқишлари учун зарур ва тенг шарт-шароитлар яратиб берсин.

5. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда:

ташқи реклама воситаларининг аниқ жойини белгилаб олсин ҳамда сайлов кампанияси даврида уларни сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштиришда сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган депутатликка номзодларга тенг имкониятлар тақдим этсин;

биноларга, иншоотларга, ташқи реклама воситаларига ва бошқа ерларга жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материалларининг сайловга бир кун қолганда олиб ташланишини таъминласин;

тегишли туман ҳудудида сайловолди ташвиқоти жараёнида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз амал қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

сайловолди ташвиқот даврида умумий фойдаланадиган телекоммуникация тармоқларида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан веб-сайтлар томонидан қонунчилик ва мазкур қарор талабларига риоя қилишнинг узлуксиз мониторинги ўтказилишини таъминласин;

оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ташвиқоти давридаги фаолияти юзасидан мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ҳафтада Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилсин.

6. Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш вақтида жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан сайловолди ташвиқоти шартлари ва тартибини бузиш, номзодлар

тўғрисида ёлғон маълумотлар тарқатиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ахборот, ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш учун тегишли жавобгарлик чоралари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилган депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратилишини таъминласин ҳамда зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда кўмаклашсин.

8. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиялари ўз мажлисларида сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида мазкур қарорни муҳокама қилиб, ижроси бўйича тегишли қарор қабул қилсин.

9. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибият раҳбари С. Курбонкулов, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича ягона матбуот маркази раҳбари Ж. Наханов ҳамда туман сайлов комиссиялари раислари зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 ноябрь,
№ 856.*

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2017 йил 16 ноябрдаги 856-сон
қарорига 1-илова*

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов
кампанияси даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг
“Toshkent” телеканали орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш
ЖАДВАЛИ**

| № | Хафта кунлари | Ташкилот номи | Такдим этиладиган эфир вақти |
|----|---------------|--|---|
| | | | “Toshkent” телеканалда |
| 1. | Душанба | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№1) | роликлар учун – 2 дақиқа (30 сониядан кун давомида 4 марта, ҳар куни); ҳафтада бир марта кўрсатув учун – 20 дақиқа (такрорий эфир билан – 40 дақиқа) |
| 2. | Сешанба | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (№2) | роликлар учун – 2 дақиқа (30 сониядан кун давомида 4 марта, ҳар куни); ҳафтада бир марта кўрсатув учун – 20 дақиқа (такрорий эфир билан – 40 дақиқа) |
| 3. | Чоршанба | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (№3) | роликлар учун – 2 дақиқа (30 сониядан кун давомида 4 марта, ҳар куни); ҳафтада бир марта кўрсатув учун – 20 дақиқа (такрорий эфир билан – 40 дақиқа) |
| 4. | Пайшанба | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (№4) | роликлар учун – 2 дақиқа (30 сониядан кун давомида 4 марта, ҳар куни); ҳафтада бир марта кўрсатув учун – 20 дақиқа (такрорий эфир билан – 40 дақиқа) |
| 5. | Жума | Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№5) | роликлар учун – 2 дақиқа (30 сониядан кун давомида 4 марта, ҳар куни); ҳафтада бир марта кўрсатув учун – 20 дақиқа (такрорий эфир билан – 40 дақиқа) |

***Изоҳ:** Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун бир хил эфир вақти (ҳар бир субъектга 1 кунда 2 дақиқа роликлар учун (жами – 66 дақиқа), ҳафтада 20 дақиқа кўрсатув учун (жами – 100 дақиқа, такрорий эфирга узатилганда – 200 дақиқа) ажратилади.*

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг 2017 йил 16
ноябрдаги 856-сон қарорига
2-илова*

**“Тошкент оқшоми” – “Вечерний Ташкент” газеталарида сиёсий
партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
вакиллари учун босма майдони ажратиш, чиқишларини чоп этиш
ЖАДВАЛИ**

| № | Ҳафта кунлари | Ташкилот номи | Биринчи саҳифа | Иккинчи саҳифа |
|----|---------------|--|--------------------------|----------------|
| | | | Анонс учун | Материал учун |
| 1. | Душанба | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№1) | Юқори қисми ўнг томонида | 2,5 саҳифа |
| 2. | Сешанба | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | 2,5 саҳифа |
| 3. | Чоршанба | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (№3) | Юқори қисми ўнг томонида | 2,5 саҳифа |
| 4. | Пайшанба | Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | 2,5 саҳифа |
| 5. | Жума | Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№5) | Юқори қисми ўнг томонида | 2,5 саҳифа |

***Изоҳ:** Газеталарнинг ҳар бир сониди сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газеталарнинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар расмий хабарлар кўпайса, сайловолди ташвиқоти материаллари чоп этилишининг жадвалда белгиланган муддати кейинги кунга кўчирилиши мумкин.*